

“ИНСОН” ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАРКАЗЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азизов Иқболжон

Одил судлов академияси мустакил изланувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18260584>

Мамлакатимизда ҳам хориж илғор тажрибалардан келиб чиқиб мамлакатимизнинг барча фуқароларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланган.

Жамиятимизнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқларга эга. Бу ҳуқуқлар уларнинг ёши, фуқаролиги, дини, ижтимоий мавқеи, она тили, этник гуруҳи, қобилиятлари ёки бошқа ҳар қандай фазилатлари ёки хусусиятларига боғлиқ эмас. Барча фуқаролар белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, тенглик билан ва ўз манфаатларини ҳимояга қилган муносиб ҳаёт кечиришни кутишлари мумкин.

Давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик процессида иштирок этиш институтининг аҳамияти ҳамда моддий ҳуқуқий муносабатларнинг кўп ва хилма-хил иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда ушбу институтнинг ўрни, шунингдек, уни амалдаги қонунчилик ва унинг амалий қўлланилиши нуқтаи назаридан ўрганиш зарурати ушбу масалаларнинг долзарблигини белгилаб берди.

2023 йил 15 октябрдан бошлаб мамлакатимизда 28 та туман (шаҳар)ларда эксперимент тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар гуруҳлари кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан ташкил этилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ижтимоий ҳимоясиз тоифалар яъни ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оғир ҳаётий вазиятдаги oilалар ва ёшлар билан ишлаш, яқка ёлғиз ва кексаларга ёрдам бериш каби ижтимоий вазифаларни амалга оширадилар.

Бундан кўринадики, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланган.

2025 йилнинг II чорагида туман (шаҳар) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кесимида қуйидаги аризалар келиб тушган:

Табиий газ ҳамда электр энергияси харажатлари бўйича компенсация (жами аризаларнинг 29,4 фоизи ёки 526,1 мингта);

Кам таъминланган oilаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашга ариза бериш (14,5 фоизи ёки 259,8 мингта);

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги санаторийларга йўлланмалар ажратиш (4,2 фоизи ёки 74,9 мингта ариза).

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига энг кўп мурожаатлар куйидаги мазмунда бўлган:

- 1) Нафақалар ва тўловлар билан боғлиқ 217,9 минг;
- 2) Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар 101,7 минг;
- 3) Санаторийларга йўлланма 104 минг;
- 4) Ногиронликни белгилаш 73,7 минг;
- 5) Васийлик, ҳомийлик ёки оилага тарбияга олиш (патронат) 12 минг¹.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ногиронликни баҳолаш, ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш, жамиятда ижтимоий мослашув ва интеграцияга ёрдам бериш, уларнинг бандлигини таъминлаш, инклюзив муҳит яратиш ва назорат қилиш, жамиятда ногиронларга нисбатан ижобий фикр шакллантириш, ногиронлар учун интернат, таълим ва реабилитация муассасаларини такомиллаштириш, васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, шу жумладан оилавий парвариш шакллари ривожлантириш, фарзанд асраб олиш тизимини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳимояга муҳтож болаларни даволаш тизимини такомиллаштириш, зўравонликка учраган аёлларга профессионал ёрдам кўрсатиш, ҳомиладор аёллар, ёлғиз ота-оналар, ёш болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари битирувчиларига ижтимоий хизмат, йўлланма, таълим ва касбга йўналтиришни таъминлаш, уйда парвариш ва қўллаб-қувватлаш хизматларини йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга оширадilar.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг суд процессида иштирокини юқоридаги бобда кўриб чиқдик.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ўз мажбуриятларини бажариш ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуси билан фуқаролик суд ишида иштирок этиши ёки ишда иштирок этиш учун суд томонидан жалб қилиниши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ёки жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво қўзғатиш учун даъвогарнинг розилиги талаб қилинмайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органларининг иштирок этиш зарурати ҳали ҳам мавжудми? Албатта, биринчи навбатда бу фуқаролик процессида тортишув тамойилининг ривожланиши билан боғлиқ. Фуқаролик суд ишининг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ойдинлаштириш бўйича барча чораларни кўриши лозим, шу сабабли мазкур жараёнда малакали юридик ёрдам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайди, бу қонунда назарда тутилган ҳолларда бепул тақдим этилиши

¹ <https://ihma.uz/oz/oi/inson-centers>

керак. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари ана шу конституциявий нормаларга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда йил сайин ортиб бораётган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар фақат давлат органларининг ёрдами билан фуқаролик ишлари бўйича ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишлари мумкин. Бепул юридик ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари ривожлантиришда давлат органларининг фуқаролик процессида иштирок этиши институтини ҳам такомиллаштириш зарур.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари нафақат даъвогар, балки жавобгар ва учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши мумкин.

Фуқаролик муносабатларининг тобора мураккаблашиб бориши ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш натижасида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш заруратининг пайдо бўлиши “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти кўламининг кенгайишига олиб келди. Фуқаролик процессуал ҳуқуқидаги янги ривожланиш - бу нафақат шахснинг шахсий манфаатларини, балки ҳимояга муҳтож шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беришдир. Ўзининг янгилиги туфайли “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ҳимоя муҳтож шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича иш юритишда иштирок этиши масаласи илмий адабиётларда етарлича ёритилмаган ва чуқур ўрганишни талаб этади.

Шунинг учун “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг процессда иштирок этиш институтини замонавий ижтимоий-иқтисодий воқеликларни ривожланиши билан боғлашимиз мумкин.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари судга ариза бериш йўли билан ҳам, иш бўйича хулоса бериш йўли билан иштирокини процесснинг бошқа иштирокчиларининг (даъвогарлар, учинчи шахслар, экспертлар, вакиллар) процессуал позициясидан фарқлаш учун фойдаланиш имконини беради. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг процессуал позицияси прокурорниқидан сезиларли даражада фарқ қилади, гарчи уларнинг ишда иштирок этиш шакллари бир хил бўлса-да.

Фуқаролик процессида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиши институтига тааллуқли процессуал қонунчиликни ислоҳ қилиш қатор масалаларни ҳал этишни тақозо этмоқда.